O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING QARORI

2022 - yil 13 - iyul 723-14-0-Q/22 Toshkent shahar hokimligi

Маблағ ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги “2017-2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 16 февралдаги “2022 йилда Тошкент шаҳридаги марказий ва ички кўчаларни жорий ва мукаммал таъмирлаш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг манзилли рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 131-14-0-Q/22-сонли қарорларини ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг молия-иқтисод ва камбағалликни қисқартириш ҳамда қурилиш ва коммуникацияларни ривожлантириш, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича мажмуаларининг 2022 йил 29 июндаги 03-862-сонли ҳамда Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармасининг 2022 йил 27 июндаги 1-11/1711-сонли мурожаатларини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси тизимидаги Дренаж ва коллекторларни таъмирлаш ва сақлаш ихтисослаштирилган бошқармасига Тошкент шаҳридаги мавсумий ёғингарчилик даврида сув тўпланиши ва тошиши ҳолатларни

бартараф этишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш ишлари билан боғлиқ харажатлар учун 500,0 млн. (беш юз миллион) сўм миқдорида маблағ ажратилсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Х.Шакиров):

ажратилган маблағлар ижроси бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ҳисобот киритилсин.

3. Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев):

2022 йил Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

4. Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Умаров), Дренаж ва коллекторларни таъмирлаш ва сақлаш ихтисослаштирилган бошқармаси (Б.Турсунов):

ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда ва мақсадли сарфланиши таъминлансин.

5. Тошкент шаҳар бўйича Ғазначилик бошқармаси (М.Зарипов):

ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда молиялаштириш чоралари кўрилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳар Давлат молиявий назорати бошқармаси (Ш.Яриев):

ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назорат ўрнатилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Шакиров зиммасига юклатилсин.

Toshkent shahar hokimi **ARTIKXODJAYEV J. A.**